



20 20 у. « 5 » август

№ Қ-359

« » 20 г.

Термиз тумани “Сурхон Халқобод” массиви “Халқобод” маҳалласи ҳудудидан “Norqul Termiz” фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 июлдаги 05-02/469-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 01 июлдаги 01-08/276-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 июлдаги 05-02/469-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Халқобод” массиви “Халқобод” маҳалласи ҳудудидан “Norqul Termiz” фермер хўжалигига қарашли қишлоқ хўжалик харитасининг 293қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42,1 балл бонитетли 2,0 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан рухсат берилсин.

3. “Norqul Termiz” фермер хўжалиги бошлиғи Ж.Намазовга:
рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда рухсат берилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев